

БЕГАЛИ ҚОСИМОВ

МИЛЛИЙ УЙГОНИШ:
ЖАСОРАТ, МАЪРИФАТ,
ФИДОЙИЛИК

ТОШКЕНТ «МАЊНАВИЯТ» 2002

Кўлингиздаги китоб Туркистон тарихининг XX аср бошидаги энг муҳим ҳодисаларидан бири ҳисобланмиш жадидчилик ҳаракати билан таништириш борасидаги павбатдаги қадамлардандинр.

Муаллиф ушбу мавзу билан салкам 40 йилдан бўён шуғулланиб келади. Абдулла Авлоний, Мирмуҳсин Шермуҳамедов, Сайдрасул Азизий, Сўфизода, Нозимахоним, Сидқий Хондайликий, Тавалло, Боту, Мирмурла, Чўлпон, Фитрат, Беҳбудий, Камий ижодларини ўрганди ва уларнинг фаолияти билан китобхонларни таништириди. Искен давр тақозоси билан уларнинг мустақиллик учун кураш фаолияти честлаб ўтилиб, маърифатчилигига асосий эътибор берилган эзи. Мустақиллик туфайлигина бу ижодкорлар фаолияти ва меросини атрофлича ўрганиш, Ватан ва Миллат манфаати нуқтаи назаридан баҳолаш имконияти туғилди.

Мазкур тадқиқот жадидчиликнинг щаклланиши, тарихи, манбала-ри, ижтимоий-сиёсий, маданий-адабий ҳаракатчилик билан алоқаларини умумлаштириш йўлидаги тажрибалардан бириндири.

Бу ҳодисанинг ўлмас гоялари, айниқса, улардан учтаси ҳозирги кунларимизда ҳам сув билан ҳаводек зарур бўлиб турибди. Булар: жасорат, маърифат, фидойилик!

* * *

Профессор Бегали Қосимов кўп йиллардан буён муттасил равиша жадидчилик ҳаракатини ўрганиб келади. Ҳатто унинг докторлик диссертацияси ҳам бошлангачда оёқ жадидчилик муаммоларига бағишиланган эди. Мазкур муаммога бағишиланган ўнлаб рисолалар, мақолалар эълон қилган. Уларнинг ҳаммасида жадидчилик ҳаракати асосан XX аср бошларидан бошлаб Туркистондаги қудратли фикрий уйгонишга туртки бўлгани далиллаб берилган.

Ушбу китобда Б. Қосимовнинг салкам қирқ йиллик ижодий фаолияти давомида жадидчиликни ўрганиш борасидаги ишлари умумлаштириб берилган. Жадидчилик тўғрисида ўзимизда ва хорижда кўп асарлар ёзилган, албатта. Лекин, биринчидан, уларнинг ҳаммасида ҳам жадидчилик тўғри талқин қилинавермайди. Аксариятида у бир томонлама маданий-маърифий ҳаракат сифатидагина баҳо-ланган. Иккинчидан, шу пайтга қадар жадидизм ҳақидаги тасаввурларимизни бир жойга йиғадиган, ютуқларимиз-камчилкларимизни умумлаштирадиган китоб йўқ ҳисобида эди. Шу жиҳатдан Б. Қосимовнинг мазкур тадқиқоти бугунги кунда, айниқса миллий истиқлол мафкурасини шакллантираётган бир пайтимида жуда катта илмий-амалий аҳамият касб этади.

Озод Шарафиддинов,
Ўзбекистон Қаҳрамони

МАСАЛАНИНГ ТАРИХИГА БИР НАЗАР

КИРИШ

Жадидчилик Туркистонда 19 асрнинг охириларила майдонга келган, 20 аср бошларида шаклланиб, қисқа муддатда ўзининг ҳадди аълосига кўтарилиган, 1917 йилги большевиклар тўнташидан кейин ҳам социалистик диктатура ўрнатилинг қадар ўз мавқе ва йўналишини сақлаб қола олган ижтимоий ҳаракатидир. У ижтимоий турмушнинг барча жабҳаларини қамраб олган эди. Муболагасиз айтиш мумкини, мазкур даврда юзага чиққан на сиёсий, на маданий бирор ҳодиса йўқки, унинг эътибор ва таъсир доирасидан четда қолган бўлсин.

Жадидчилик ғоялари эрта баҳорнинг шиддатли шамоллари сингари пўпанак босиб, билжираб кетган ўрта асрчилик турмушини энг пастки қатламларигача очиб ташлади. Момагулдирак бўлиб, Миллат ва Ватанинг ҳаёт-мамот масаласи кун тартибига қўйилгани ҳақида бонг урди. Чақмоқдек чақнаб, унинг бағридаги жароҳатларини ёритди. Обираҳмат бўлиб, она Туркистон кўксидаги маориф, матбуот, театр йиҳолларига ҳаёт бахш этди. Бу ғояларнинг асосида миллий уйғониш, миллий мустақиллик учун кураш ётар эди. Жадидчиликнинг моҳиятини Миллат ва Ватанинг англашдан улар манфаати учун қурашишгача бўлган қизгин ва ҳаяжонли жараён ташкил қилди. Айни пайтда, бу ҳаракат миллатни ҳам тарбиялаб борди. Уни ўз бошнига ёғилган ҳар бир оғатни тақдир леб таъбир этишдан таҳлил қилиб, чорасини излай олиш даражасигача кўтарди. Хусусан, жадидларимиз миллатнинг яшамоги, тараққий топмоғи учун, биринчи навбатла, озод, мустақил бўлмоғи лозимлигини англаб етдилар ва кенг ҳалқни уйғотишга алоҳида эътибор бердилар.

Ҳалқ эса, Пўлатхон ва Дукчи Эшон воқеаларидан «Туркистон (Қўқон) муҳторияти» моҳиятини англаш ва қўллашгача бўлган масофани босиб ўтди. Жадидларимиз сиёсий ишлар — ҳақ-хуқуқ, миллий давлат, ҳокимият масалалари билан мунтазам шуғулландилар. Айни пайтла, мактаб-маориф ислоҳ қилина бошлади. Миллий матбуот йўлга қўйилди. Театр пайдо бўлди. Янги алабиёт шаклландил, бир сўз билан айтганда, янги тафаккур майдонга

келди. Бу — миллатнинг ўзлигини англаш ва мустақиллик мафкураси эди.

Бу ҳол, шубҳасиз, миллатнинг кейинги 3—4 асрлик тарихий тараққиёттида мисли қўрилмаган ҳол эди. Унинг ҳаётида узоқ турғунликдан кейин янги босқич бошланишига далолат эди.

Жадидчиликнинг моҳияти шунда.

ИСТИЛОҲ ҲАҚИДА

«Жадидчилик»нинг асосида «жадид» сўзи ётади. «Жадид»нинг маъноси «янги» демакдир. У шунчаки «янги» ё бўлмаса, «янгилик тарафдори» дегани эмас. Балки «янги тафаккур», «янги инсон», «янги авлод» сингари кенг маъноларни ўзида мужассам этган.

Истилоҳнинг кириб келиши Исмоилбек Гаспрали (Гаспринский) очган янги мактаб номи билан боғлиқ. У ёзади:

«...1884 санаси Боқчасаройда бир мактаб[и] «усули жадид»[г]а қўймиш эдим»¹.

Бу бошланиши эди. Истилоҳнинг мазмуни мактаб доирасида қолмади, албатта.

Абдулла Авлонийнинг «Таржимаи ҳол»идан:

«Шул замонда (1894—1904 йиллар кўзда тутилади — Б.К.) ерли халқлар орасида эскилик-янгилик (қадим-жадид) жанжали бошланди. Фазит ўқиғувчиларни муллалар «жадидчи» ном билан атар эдилар»². Жадидлар Усмонли Туркиядаги «Ганч (ёш) турк», «Ганч усмонли» таъсири билан «Ёш бухоролилар», «Ёш хивалилар», «Ёш туркистонлилар» деб ҳам номландилар. Биринчи икки ном расмий ташкилот даражасиnga қўтарилиди.

Драматург Абдулла Бадрий 1919 йилда «Ёш бухоролилар кимлар?» деган савол қўяди ва шундай жавоб беради: «... онларнинг фикру хаёллари ва муддаолари биз бечора ва қашшоқларни турбатдан, яъни амирлар, беклар ва бой-

¹ И. Гаспрали. Раҳбари муаллимий ёки муаллимларга йўлдош. Симферополь, 1898 й., 4-бет. Айрим маъдумотларга қараганда, Гаспрали 9 болани ўқитиб. 40 кунида саводини чиқарган. Ўқувчислар 6 ойда отагонлари ва жамоатчилик ҳузурида муваффақият билан имтиҳон тонширганилар.

² Абдулла Авлоний. Танланган асарлар, 2-жилдлик. 2-жилд, Т., «Маънавият», 1998 й., 288-бет.

ларнинг зулмлариндан озод қилмоқ ва бизларнинг роҳатимиз ва тинчлигимиз учун ҳаракат ва тараддуд қилмоқдур»¹.

Ушбу мулоҳазанинг социалистик мағкура исканжасида билдирилгани туфайли социалистик бўёқда берилганини назардан соқит қилсақ, ҳурлик, озодлик учун кураш жамиятнинг бош мақсадларидан қилиб белгилангани маълум бўлади.

ХАРАКТЕР — ЙЎНАЛИШИ

Жадидчилик оқим эмас, ҳаракат. Ижтимоий, сиёсий, маърифий ҳаракат. Яқингача ҳам у фақат маърифатчилик ҳаракати деб келинди. Бу атайлаб қилинган эди. Мақсад — жадидчиликнинг доирасини торайтириш, социалистик-коммунистик мағкурадан бошқаси кенг халқ онгини қамраб олиши, эгаллаши мумкин эмас, деган сохта тушунчанинг асорати эди. Аслида эса:

1) жамиятнинг барча қатламларини жалб эта олди. Уйғониш мафкураси бўлиб хизмат қилди;

2) мустақиллик учун кураш олиб борди. Унинг гайрат ва ташаббуси билан дунё кўрган Туркистон мухторияти бу йўлдаги амалий ҳаракатнинг дастлабки натижаси эди;

3) маориф ва маданиятни, матбуотни ижтимоий-сиёсий мақсадларга мослаб чиқди.

Туркистондаги жадидчилик XIX асрнинг 80-йилларида Русия мусулмонлари, хусусан, Кавказ ва Волга бўйида ёйилган шу номдаги тараққийпарварлик ҳаракатининг бевосита таъсири ва самараси сифатида дунёга келди. Бунда юқорида номини зикр этганимиз Исмоилбек Гаспралининг «Таржимон» газетаси (1883) ва у асос соглан «усули жадид» (иккинчи номи «усули савтия») мактаби (1884) ҳал қилувчи рол ўйнади². Шунингдек, биздаги XIX асрнинг бошларидаги эски мактаб-мадраса тизимиidan норозиликлар, хусусан А. Курсавий (1776—1813), Ш. Маржоний (1818—1889) ларнинг тараққиётга тўсиқ бўла бошлаган Бу-

¹ Абдулла Ҷалрий. Ёш бухоролилар кимлар? Москва, 1919, 3-бет.

² Мұнанварқори Туркистон жадидларининг янги мактаб борасидаги фикрлари асосан «Таржимон» орқали шаклланганини алоҳида таъкидлайти (қарани. «Қ. Ўзб.» г. 1927 й., 6 июнь).

хоро мактаб-мадраса тизимини кескин танқид қилувчи «Аллавойих» («Равшанликлар») (А. Курсавий) ва «Вафийятул аслоф ва таҳийятул ахлоф» («Салафлар вафоти ва авлодлар дуоси») (Ш. Маржоний) китоблари маълум аҳамиятга эга бўлди. Ниҳоят ҳалқдаги ҳақсўзлик ва янгиликка рағбатни, мумтоз адабиётимиздаги анъанавий ҳажвни, хусусан 70-йилларнинг охирида шоирларимиз томонидан товла-мачилик, зиқналилк, текинхўрлик каби Оврупо буржуя ахлоқий муносабатларини кескин фоши этувчи туркум асарларнинг таъсирини ҳам ҳисобга олмоқ керак бўлади. Булар адабиётнинг ҳам янгиланаётганидан далолат эди.

Шунингдек, XIX асрнинг сўнгида Шарқ мусулмон мамлакатлари орасида кенг ёйилган Жамолиддин Афғоний (1839—1897), Муҳаммад Абдуҳ (1849—1905) номлари билан характерланувчи диний ислоҳотчилик, Оврупо мустамлакачилигига қарши бирдамлик борасидаги фикрларни ҳам назардан сокит қилиб бўлмайди.

«Жадид» атамаси Туркияда XX аср бошидаги адабиётга, унинг ҳам биргина йўналишига нисбатан ишлатида. Шунингдек, «Русия жадидчилиги» ўзимизда эса, «Бу хоро жадидчилиги», «Туркистон жадидчилиги» деган атамаларни учратамиз. Бизнингча, ҳаракат умумий, кўринишлар конкрет бўлгани учун фарқли, моҳият битта — янгиланиш. Бу турли жойда турлича шаклда на-моён бўлди. Масалан, Туркияда 1839 йилдаги машҳур Мустафо Рашит Пошо томонидан ёзилиб, Гулхона майдонида эълон этилган ва тарихга «Гулхонаи хатти Ҳумоюн» номи билан кириб, «Танзимот»ни бошлиб берган давр ҳам, бизча, янгиланишdir — жадидчилйкdir. Тўғри, у асосан, гарблашишни тамал қилиб олган эди. Шунинг учун ҳам кўп ўтмай, бунга қарама-қарши ра-вишда «туркчилик», «усмончилик», «исломчилик», «турончилик» каби миллий фоялар ўртага ташланди. Овруполашибизда ҳам жадидчиликнинг муҳим хусусиятларидан бўлган. Чор ҳукумати бундан маҳаллий ҳалқни руслаштириш йўлида фойдаланди ҳам. Лекин мезон — маҳаллий ҳалқнинг ўз дини ва эътиқодини дахлсиз қолдириш, Оврупо илм-фанини шуларнинг муҳофазасига хизмат қилдириш учун бу ерда ҳам кураш кетди. Туркчилик, исломчилик, маҳаллий ўзбекчилик кабиларнинг бу сарда ҳам майдонга келиши бежиз эмас. Аслида, бизнинг

жадидларда фикр ва ғоя қоришиқдиги жуда кучли. Мана, масалан, янги ўзбек адабиётининг шаклланиши бошида турган Муқимий, Фурқатларни олинг. Улар 30-йилларда жадид адабиёти вакиллари сифатида умуман, тўғри талқин қилинган. Муқимий ўз ҳажвий асарларида савдо ва саноатнинг, яъни капиталистик турмуш тарзининг миллий ахлоқимизни бузгаётганини танқид қилади. Фурқат эса, унинг ҳаётимизга кириб келаётганини мадҳ этади. Бири тасдиқ, иккинчиси инкор йўлидан боради. Ёки Дукчи Эшонни олинг. У куч, зўрлик билан мустақилликка эришиш тарафдори. У ҳам жадид: дин ислоҳотчиси, сиёсий курашчи. Жуда кўп жадидларимиз уни рад этдилар. Бир қатор жадидларимиз онгли суратда советлар билан ҳамкорлик қилдилар, коммунист бўлдилар. Бу билан ҳам ҳисоблашмоқ керак. Бу ҳол, айниқса, мустақиллик учун олиб борилган курашда яққол кўринди. Бу борада З йўлни кузатиш мумкин:

1. Русияга тобеликдан зўрлик билан қутулиш, куч билан истиқдол олиш (Дукчи эшон қўзғолони, 1916 йил мардикорлик ҳаракати, босмачилик).

2. Муроса йўли. Руслар ёрдамида маърифаға эришиш. Маърифат масаласида ҳақ-хукуқ олиш, миллий хусусиятларни тиклаш (И. Гаспрали, М. Беҳбудий).

3. Ҳамкорлик йўли. Чор маъмурлари, сўнг эса Шўро ҳукумати билан бирга уларнинг дастурларида қатнашиш ва имкон бўлиши билан мустақилликни қўлга олиш. Бунинг учун маълум тайёргарлик кўриб бориш (Мунавварқори, Ҳамза, Авлоний).

Ниҳоят, биздаги жадидчилик Кавказ, Волгабўйи, Туркиядаги жадидчиликка нисбатан анъаналарга кўпроқ боғланиб қолган, умумоврупо ижтимоий-маданий жараёнига тортилиш даражаси қийинроқ кечган жадидчилик. Бизда ҳар бир янгиликнинг кириб келиш жараёни ғоят оғир кечган.

ЎРГАНИЛИШИ

«Жадид» атамасининг Туркистонда илк марта ким томонидан қачон ва қаерда қўлланганини аниқ белгилаш қийин¹. Лекин, тахмин қилиш мумкинки, бу атама гарчи И smoилбек томонидан 1884 йилдан истеъмолга киритилган ва «Таржимон» газетаси орқали Шарқу Farbning жуда кўп ўлкаларига ёйила бошлаган бўлса-да, бизга, асосан, 90-йилларда кириб келди. 1891 йилда Русия ички ишлар вазирлигининг маҳсус ишлар билан шуғулланувчи Ващкеевич деган ходими Кримга бориб, Гаспринский мактабини текшириб келган. Шу муносабат билан машҳур ислоҳотчи Кримдаги мусулмон мактабларини ислоҳ қилиш заруратини ва бу ислоҳотнинг мазмун-мундарижасини асослаб кўрсатиб, ҳужжат тайёрлаган эди.

Расмий мурожаатдан натижага чиқмагач, И smoилбекнинг ўзи Туркистонга отланади². Тошкент, Самарқанд, Бухоро-

¹ «Жадид» атамаси Туркия туркларида илк марта Султон III Салим ҳукмронлиги (1789—1802) даврида пайло бўлди. Австрияга элчи қилиб юборилган Абубакр Ратиб афанди шоҳга ёзган билдирувларида у ерда кўрган идора тизимини «низоми жадид» деб тушуниради. 1789 йилти француз инқолобидан кейин қурилган янги тизимни эса «Франсия низоми жадиди» дейила бошланди. Шу йиллари «низоми жадид» тор маънода аскарий тизимни овруполаштиришни, кенг маънода илм-фан, маориф, саноат ва қишлоқ хўжалигини замонавийлаштиришни кўзда тутарди. Жадид ва қадим ибораси кейинги асрларда майдонга келган бўлса-да, у моҳиятдан эскилик ва янгилик, тараққиёт ва тургунилк ўртасидаги эски курашдир. «Юон қадимчилари икки минг неча юз сана мұқаддам Сүкротин жадидчилар қабоҳати билан айблаб, қатъ эттирилдилар», — деб ёзди И smoилбек «Қадимчилик — жадидчилик» («Таржимон», 1909 йил, 19-сон) мақоласида. Шудан ҳозиргача, масалан, «ҳатто замонамизнинг энг маданий, энг мутараққий инсонлари ўлан инглизлар орасинида ҳам қадимчилар гоят кўплир», — деб давом этади муаллиф ва буларнинг тепасида ҳатто оламга машҳур олимлар, сиёсатчилар, иқтисодиётчилар турганинни айтади. Абдулла Авлоний «Бу кунда маданий миллатлар урушларини саноат ва тижоратга айлантиридилар ва бу соҳада бир-бирларига ғалаба ва рақобат қила бошладилар», — деб ёзди. Фитрат ва Чўлпон буларни «маданият ваҳдийлари» деб атайдилар. Моҳият ўша-ўша, ўзгарган эмас. Фақат шакллар ҳар хил. Самоварни сувининг ичиди ўт ёниятти, бу ерда сеҳр бор, бинобарин ношарый дастиниши. жомеъларининг шамларини электр билан алмаштиришга тиш-тириюқлари бислан қирши чиқинш, «усуди жадид» мактабини, замонавий фан-техникани рад этиш, газета, театрга «шайтоний иш», «шаккоклик» деб қараш ва уларнинг ҳаммасидан коғирлик излаши жадид — қадим курашининг бир кўринишни сифатида намоён бўлган эди.

² Бу ҳақда қаранг, «Таржимон» г., 1906 й., 15-сон.

да бўлади¹. Унинг ташаббуси билан ушбу шаҳарларда, сўнгроқ Фарғона водийсида «усули жадид» мактаблари ташкил топиб², овозаси бутун Туркистонга ёйилади. Тезкорлик билан унинг учун дарсликлар тузила бошлайди³.

Жадидинунослик босиб ўтган йўлни шартли равища куйидаги босқичларга бўлиш мумкин:

- 1) 1900 — 1925;
- 2) 1925 — 1938;
- 3) 1938 — 1956;
- 4) 1956 — 1985;
- 5) 1985 — 1991;
- 6) 1991 дан кейинги давр.

¹ Карап: А. В. Пясковский. Революция 1905—1907 годов в Туркестане. М., 1958, 98—102-бетлар.

² Бу ишлар ғоят оғир кечган, албатта. Рус маъмурлари осонликча рухсат бермаганлар. Масалан, Мунаварқорининг усули жадид мактаби очишига рухсат сўраб қылган мурожаатларига Сирдарё ҳарбий губернатори рад жавобини берди. А. В. Пясковский 1893 йилда Самарқандда янги типдаги битта мактаб очилганини маълум қиласди. Унинг очилиши Исмоилбекнинг 1893 йилдаги Туркистон сафари билан боғлиқдир. Исмоилбек «Оқгул дастаси ёки адабиёти жадида хидматлари» («Таржимон» г., 1906 й., №15-сон) маколасида сафардаги шериги Мажил Фанизоданинг Самарқандда 40 кун қолиб «усули жадид» мактабини йўлга кўйганини хабар беради. Фарғонада эса бу ҳаракат муваффақиятсиз тугаган экан. Қолаверса, 1895—1900 йилларда Туркистон ва Бухорода очилган янги мактабларнинг аксарияти татарларники эди.

Усули жадид мактаблари аср бошларнида, шунида ҳам минг бир маъққатлар билан пайдо бўлди. Бунда рус-тузем мактабларининг ҳам маълум роли бор. 20 аср бошларнида янги мактаблар учун биринчи дарсликлар сифатида майдонга келган «Устози аввал»нинг (1901) муаллифи Саидрасул Азизий 1900 йилда Тошкентдаги Биринчи рус-тузем мактабида, «Иккинчи муаллим»ни ёзган Алиасқар иби Байрамали Калинин Кўкчадаги Иккинчи рус-тузем мактабида «сартия» муаллимчари эдилар. «Усули жадид»га биргина рус маъмурлари эмас, маҳаллий мутаассиблар ҳам қаттиқ қаршилик кўрсатдилар. Азизий «насоро» (коғир) максум ном олди.

Авлоний ёзди: «1904 йилдан «жадид мактаби» очиб, ўқитувчиллик қила бошладим. Муллолар «жадидчи»ларни «муноғик», «муғсида», «зиндиқ», «даҳрий» сўзлари билан ҳалқ орасинда пропаганда ва агитация қила бошладилар...»

³ С. Азизий. Устози аввал (Т., 1901); А. Калинин. «Муаллими соний», (Т., 1903); М. Беҳбудий. Китоби мунтажаби жутроғиия умропий (С., 1906); Китобатут атфол (С., 1908); Мунаварқори. Адиби аввал (Т., 1908), Адиби соний (Т., 1908); Авлоний. Адабиёт ёхуд миллий шеърлар (Т., 1909—1917). Биринчى муаллим (Т., 1912). Иккинчи муаллим (Т., 1913). Туркий талистон ёхуд ахлоқ (Т., 1913). Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий. Енгил адабиёт (Қозон, 1914) ва ҳоказо.



- Lituz.com
Elektron kitoblar

**To'liq qismini Shu tugmani
bosish orqali sotib oling!**